# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2019 йил 19 декабрь, № 262 (7492) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## ЎЗБЕКИСТОН – ЯПОНИЯ:

# САВДО-ИҚТИСОДИЙ, ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ВА ТЕХНОЛОГИК ҲАМКОРЛИК СОҲАСИДА ЯНГИ САҲИФА

**Давлатимиз раҳбари Япония Бош вазири ўринбосари, молия вазири Таро Асо, парламентдаги «Ўзбекистон – Япония» дўстлик лигаси фаоллари ҳамда Кунчиқар мамлакатнинг етакчи компаниялари ва банклари вакиллари билан учрашувлар ўтказди.**





Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Япония Бош вазири Синдзо Абэнинг таклифига биноан 17 декабрь куни расмий ташриф билан Нагоя шаҳрига келди.

Давлатимиз раҳбарининг Японияга ташрифи дастури 18 декабрь куни тонгда Аичи префектураси губернатори Хидэки Омура билан учрашувдан бошланди.

Аичи префектураси Япониянинг марказий қисмида, Тюбу вилоятида жойлашган. Префектуранинг ялпи ички маҳсулоти ҳажми 375,3 миллиард доллар бўлиб, Токиодан кейин иккинчи ўринда туради. Автомобилсозлик, аэрокосмик саноат, керамика буюмлари ишлаб чиқариш, металлургия, қишлоқ хўжалиги ҳудуд иқтисодиётининг асосий тармоқлари ҳисобланади.

Аичи саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича Японияда етакчи. Ҳудудда "Toyota" корпорацияси, шунингдек, автомобиллар учун бутловчи қисмлар тайёрлайдиган кўплаб заводлар (кластерлар) қароргоҳлари ва ишлаб чиқариш қувватлари жойлашган. Шунингдек, бу ерда Япониянинг "Toyota Motor Corporation", "DENSO", "Panasonic Ecosystems", "Mitsubishi Aircraft Corporation", "Brother Industry", "Aichi Steel", "Makita", "Rinnai", "INAX", "Kagome", "Daido Metal Industry", "Asahi Beer" сингари йирик компаниялари фаолият кўрсатади.

(Давоми 3-бетда).

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Японияга расмий ташрифининг биринчи куни Нагоя университетида бўлиб, у ерда профессор-ўқитувчилар ва талабалар билан учрашди.
Дунёга машҳур ушбу олий ўқув юртида давлатимиз раҳбарининг университет фахрий доктори унвони билан тақдирланишига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.
Қуйида Президентимизнинг учрашув чоғида сўзлаган нутқи эълон қилинмоқда.**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ НАГОЯ УНИВЕРСИТЕТИДАГИ УЧРАШУВДАГИ НУТҚИ

Муҳтарам Мацуо жаноблари!

Ҳурматли профессорлар ва талабалар, университет жамоаси!

Хонимлар ва жаноблар!

Аввало, Нагоя университети президентининг самимий дил сўзлари ва эзгу тилаклари учун чин қалбимдан ташаккур изҳор этаман.

Ўйлайманки, менинг Президент сифатида мамлакатингизга илк ташрифим ҳақида билдирилган фикрлар, мана шундай эътибор, бир-биримизга ҳурмат, илиқ муносабат ҳақиқатан ҳам Япония ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш, келгусида катта натижаларга эришиш йўлида ишончли замин яратади.

Биз Нагоя университетини дунёдаги энг нуфузли илм-фан ва таълим масканларидан бири сифатида эътироф этамиз.

Нобель мукофоти совриндорлари Рёжи Ноёри, Осаму Симомура, Макото Кобаяси, Тосихиде Маскава, Исаму Акасаки, Хироси Амано ва бошқа машҳур олимларни етиштириб берган ушбу университетнинг фахрий доктори деган юксак шарафга муносиб кўрилганимдан ғоятда хурсандман.

Бу унвонни мен, аввало, Ўзбекистон халқига кўрсатилган эҳтиром ифодаси, деб қабул қиламан ва бунинг учун Нагоя университети раҳбариятига, унинг илмий жамоасига чуқур миннатдорчилик билдираман.

Мен Нагоя университетининг фахрий доктори сифатида Ўзбекистонда унинг улкан илмий салоҳияти ва ютуқларини кенг тарғиб ва ташвиқ қилишга, таъбир жоиз бўлса, ушбу университетнинг ишончли вакили сифатида иш олиб боришга ҳаракат қиламан.

Бутун жаҳонга машҳур Нагоя шаҳри ҳақида халқ орасида шундай ибора бор экан: "Нагоя қалъаси бўлмаганида Нагоя шаҳри ҳам бўлмас эди". Мен бунга қўшимча қилиб: "Нагоя университетисиз Нагоя шаҳрини ҳам тасаввур этиб бўлмайди", деган бўлардим.

Маълумки, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар кўп асрлик тарихга эга. Япониянинг машҳур Нара шаҳри музейида сўғд ёзувида битилган ёдгорликлар борлиги буни яққол тасдиқлайди.

Япон археологи, марҳум профессор Като томонидан Кушон подшоҳлигининг дастлабки пойтахти бўлган Ўзбекистондаги Далварзинтепадан топилган будда ибодатхонаси ва қирққа яқин ҳайкаллар япон ва жаҳон илмий жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотиб келмоқда.

Шу ўринда ўзбек ва япон халқларини ўхшаш миллий ва ахлоқий қадриятлар билан бирга илм-фан ва тафаккурга, камолотга доимо интилиб яшаш каби эзгу фазилатлар бирлаштириб туришини эътироф этмоқчиман.

Бизнинг улуғ боболаримиз — алгебра фани ва "Алгоритм" тушунчасининг асосчиси Ал-Хоразмий, Ернинг айланаси узунлиги ва радиусини илк бор ҳисоблаб чиққан Ал-Беруний, тарихда Авиценна номи билан машҳур бўлган, жаҳон тиббиёт фани ривожига улкан ҳисса қўшган Ибн Сино, ноёб расадхона ва 1018 та юлдузнинг жойлашуви аниқ акс эттирилган астрономик жадвал яратган Мирзо Улуғбек каби буюк ўзбек олимларининг илмий меросини, ўйлайманки, сизлар яхши биласизлар.

Қадрли дўстлар!

Биз Ўзбекистонда бундан уч йил аввал миллий тараққиётимизнинг янги Ҳаракатлар стратегиясини қабул қилдик. Жамият ҳаётида ҳар томонлама очиқлик ва эркинликни таъминлаш, мамлакатни модернизация қилишга асосланган ушбу Стратегия доирасида беш устувор йўналишда изчил ислоҳотларни амалга оширмоқдамиз.

Бу жараёнда энг ривожланган давлатларнинг, хусусан, илғор япон тажрибасидан унумли фойдаланишга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Чунки Япония бизнинг вақт синовидан ўтган, ўзаро ишонч ва ҳурмат тамойилларига асосланган стратегик шеригимиздир.

Биз ушбу ташрифни ўзаро манфаатли ва узоқ муддатли ҳамкорлигимиз тарихида бошланаётган мутлақо янги даврнинг ўзига хос ифодаси деб биламиз.

Япония Ўзбекистонни халқаро майдонда доимий қўллаб-қувватлаб келмоқда. Айни пайтда иқтисодиётимизни ривожлантириш, устувор ижтимоий лойиҳаларни амалга оширишда яқиндан кўмаклашмоқда.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг 5 мингдан зиёд ёшларимиз Япония университетларини тамомлаб, ўз билим ва тажрибаларини Ватанимиз равнақи учун сафарбар этаётгани алоҳида эътиборга лойиқ.

Мен кўп йиллар олий таълим тизимида ишлаган инсон сифатида бу соҳанинг шарафли, шу билан бирга нақадар машаққатли ва масъулиятли эканини яхши биламан.

Биз бугун учрашиб турган Нагоя университети билан Ўзбекистоннинг ҳамкорлиги 20 йилдан зиёд тарихга эга. Сизнинг университетингиз 2010 йилда Тошкент шаҳрида ўз ваколатхонасини очганини биз юксак баҳолаймиз. Ҳозирга қадар мазкур даргоҳда 400 дан ортиқ ўзбекистонлик талаба ва тадқиқотчилар таҳсил олгани, айниқса, қувонарлидир.

Бугунги учрашувимизда Японияда ўқиётган кўплаб ёшларимизни кўриб турганимдан хурсандман. Сизлар ўз истеъдод ва салоҳиятингизни намоён этишингиз учун Ўзбекистонда барча шароит ва имкониятларни яратиб берамиз. Мен ҳозир сизларни кўриб, юзингиздаги, чеҳрангиздаги ўзингизга бўлган ишончингизни ҳис қилиб хурсанд бўлиб ўтирибман. Сизларга қараб, барчангиз чиндан ҳам жонажон Ватанимизга муносиб ўғил-қизлар бўлишингизга ишонч ҳосил қилдим. Энг катта вазифангиз — вақтингизни бекор ўтказмасдан, аъло ўқиш, юқори технологияларни чуқур эгаллаш, Ўзбекистон ва Япония ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга ҳисса қўшишдан иборатдир. Шу йўлда барчангизга янги ютуқ, бахт ва омадлар тилайман.

Ҳурматли хонимлар ва жаноблар!

Глобаллашув даврида жаҳоннинг кўпгина тараққий этган давлатлари "ахборот жамияти", "билимлар иқтисодиёти", "рақамли иқтисодиёт" йўлини танлаганига гувоҳмиз.

Замонавий дунёда инсон капитали, интеллектуал салоҳият, инновацион ғоялар, юқори технологиялар жадал ва барқарор тараққиётнинг фундаментал асосини ташкил қилмоқда.

Бундан ярим аср муқаддам пухта ўйланган, тараққиётнинг илм-фанга асосланган "япон модели" туфайли мамлакатингиз бугун барча соҳаларда етакчи давлатлардан бирига айланди.

Япония фани сунъий интеллект, нанотехнологиялар, биотехнологиялар, робототехника, космик тадқиқотлар, ядровий тиббиёт, "яшил энергетика" йўналишларидаги илмий изланишлар борасида оламшумул ютуқларга эришмоқда. Хусусан, мамлакатингиздан 28 нафар Нобель мукофоти совриндори етишиб чиққани ҳам бу фикрнинг ёрқин исботидир.

Ҳурматли дўстлар!

Биз замонавий тараққиётнинг калити айнан илм-фан ва таълимда эканини чуқур англаб, инсон капиталига инвестиция киритишни давлат сиёсати даражасига кўтардик.

(Давоми 2-бетда).

# ЎЗБЕКИСТОН ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК УЧУН ОЧИҚДИР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Японияга расмий ташрифи доирасида ушбу мамлакатда чоп этиладиган «Nikkei» газетасига интервью берди.**

*1876 йилда асос солинган, дунёдаги йирик молиявий нашрлардан бири бўлган ушбу газета 3 миллиондан зиёд нусхада чоп этилади. Қуйида ушбу интервьюнинг таржимаси берилмоқда.*

**— Муҳтарам Президент Жаноблари, Сиз Япония билан икки томонлама муносабатлар, айниқса, иқтисодиёт соҳасидаги ўзаро ҳамкорликнинг бугунги ҳолатини қандай баҳолайсиз?**

— Япония Ўзбекистон учун доимо вақт синовидан ўтган, ишончли ва стратегик шерик бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

Япония ҳукуматининг кўмагида, "Ривожланиш учун расмий ёрдам" дастури доирасида мамлакатимизда қиймати 4 миллиард доллардан зиёд бўлган йирик лойиҳалар амалга оширилди.

Иқтисодий ҳамкорлигимизнинг асосий соҳалари — бу электр энергетикаси, нефть-газ, нефть-кимё ва кимё тармоқлари, машинасозлик ва туризм ҳисобланади.

Ишонаманки, бўлажак Ўзбекистон — Япония саммити доирасида эришилган келишувлар икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришда янги даврни бошлаб, шериклик алоқаларимизнинг янги йўналишларини белгилаб беради.

**— Японияга ташрифингиз доирасида қандай икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши кўзда тутилган?**

— Ташриф давомида Япония етакчи компанияларининг тўғридан-тўғри инвестицияларини назарда тутадиган бир қатор шартномаларни имзолашни режалаштирганмиз.

Амалга оширилиши белгиланган қўшма инвестициявий лойиҳаларнинг умумий қиймати 6 миллиард доллардан зиёдни ташкил этади.

Йирик ва муҳим аҳамиятга молик лойиҳалар орасида қиймати қарийб 2 миллиард доллар бўлган Навоий иссиқлик электр станциясининг учинчи ва тўртинчи буғ-газ қурилмасини қуриш бўйича ишлар давом эттирилишини алоҳида таъкидлашни истардим. Яна бир муҳим лойиҳа (қиймати 200 миллион доллар) мева-сабзавотчиликни ривожлантириш, Ўзбекистонда экспортга йўналтирилган замонавий қишлоқ хўжалиги кластерларини ташкил этишга қаратилган.

**— Ўзбекистон иқтисодиётининг асосий салоҳияти ва жозибадор жиҳатларини нималарда кўрасиз?**

— Ўзбекистонда сўнгги йилларда инвестиция муҳитининг яхшиланиши натижасида хорижий капитал иштирокида ташкил этилган корхоналар сони 2 баробарга ортди. Бугунги кунда уларнинг сони 10 мингни ташкил этмоқда.

Биз бу йил хорижий инвестицияларни уч баробар кўп, яъни 7 миллиард доллардан кам бўлмаган миқдорда ўзлаштиришни мўлжаллаб турибмиз.

Ўзбекистон улкан минерал-хом ашё ресурсларига эга бўлиб, олтин, уран, мис, калий тузлари, фосфоритлар каби фойдали қазилмалар захиралари бўйича дунёдаги ўнта етакчи давлат қаторида қайд этилади. Биз биргаликда илғор япон технологиялари ёрдамида уларни янада чуқур қайта ишлаш ва юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлашга эришишимиз мумкин.

(Давоми 2-бетда).

## САЙЛОВ — 2019

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси доирасида сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқоти давом этмоқда.
Бугунги сонда Ўзбекистон Экологик партиясининг "Она табиатни ҳимоялаш йўлида бирлашамиз" сарлавҳали материали эълон қилинмоқда.**

2-саҳифага қаранг.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ НАГОЯ УНИВЕРСИТЕТИДАГИ УЧРАШУВДАГИ НУТҚИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўтган йили Ўзбекистонни инновацион ривожлантириш Стратегиясини қабул қилдик. Биз инновациялар соҳасидаги илғор мамлакатлар қаторидан ўрин эгаллашни ўз олдимизга вазифа қилиб қўйдик.

Бугунги кунда 33 миллионли юртимиз аҳолисининг 60 фоизини ёшлар ташкил этади. Креатив фикрлайдиган, фаннинг муайян соҳасида чуқур билимга эга, юқори интеллектуал салоҳиятли мутахассислар тайёрлаш устувор мақсадимиз ҳисобланади.

Бунга эришиш учун охирги уч йилда 36 та янги олий ўқув юртлари ташкил этилиб, институт ва университетларимиз сони 116 тага етказилди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда АҚШ, Буюк Британия, Россия, Италия, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Сингапур ва бошқа давлатлар етакчи олий ўқув юртларининг 22 та филиали фаолият кўрсатмоқда.

Давлат кўмагида жаҳоннинг илғор илмий ва таълим марказларида етук мутахассислар тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимли асосда йўлга қўйилди. Бу жараёнларга муносиб ҳисса қўшиб келаётган Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (ЖАЙКА) фаолиятини миннатдорлик билан эътироф этишни истар эдим.

Япония ҳукуматининг ташаббуси — "Глобал-30" дастури бўйича Нагоя университетининг Марказий Осиё мамлакатлари учун масъул этиб белгиланганi ғоятда самарали бўлмоқда.

Биз Нагоя университетининг президенти, ҳурматли Мацуо жанобларининг юртимизга бир неча марта ташриф буюриб, илмий ҳамкорлигимизни ривожлантириш борасида қилаётган катта хизматларини алоҳида қадрлаймиз. Айниқса, у кишининг ўтган йили Нобель мукофоти совриндори, профессор Ноёри жаноблари билан биргаликда Ўзбекистонга ташрифи мамлакатимиз илмий ҳаётида муҳим воқеа бўлди.

Хабарингиз бор, Нагоя университетининг муҳтарам президенти Мацуо жанобларининг Ўзбекистон илм-фани ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётганини эътиборга олиб, яқинда Тошкент давлат техника университети илмий кенгаши у кишини ушбу университетнинг фахрий ректори этиб сайлади.

Ҳурматли анжуман иштирокчилари!

Япониянинг "Кадрлар тайёрлаш" дастури доирасида мамлакатимизнинг 300 дан зиёд ёшлари юртингизда магистрлик ва докторлик илмий даражаларини олишга эришдилар. Ўзбекистон — Япония ёшлар инновация маркази орқали ҳам ўнлаб йигит-қизларимиз япон университетларида малака оширмоқдалар.

Муҳтарам дўстлар!

Албатта, Ўзбекистон ва Япония ҳамкорлигида амалга оширилган ишларимиз эътирофга сазовор. Айни вақтда ҳали бу борада ишга солинмаган имкониятларимиз ҳам борлигини таъкидлаш лозим. Шу муносабат билан айрим таклифларни билдиришга ижозат этгайсиз.

**Биринчидан,** Нагоя университетининг ташаббуси билан мунтазам ўтказиб келинаётган Япония — Ўзбекистон университетлари ректорлари анъанавий конференцияси илмий ҳаётимизда катта роль ўйнамоқда. Биз ушбу ҳамкорликни янада кенгайтириш мақсадида илмий-академик алмашувлар ва технологиялар трансфери бўйича Ўзбек — Япон қўшма фондини ташкил этишни таклиф этамиз.

Мазкур фонд ўзаро илмий тадқиқотларни, икки мамлакат ёш олимларининг биргаликдаги илмий изланишларини молиялаштириш, талабалар ва профессор-ўқитувчилар алмашуви бўйича қўшма лойиҳаларни амалга оширишга хизмат қилади.

Ушбу фонд фаолияти Ўзбекистонда айни шундай йўналишда иш олиб бораётган "Эл-юрт умиди" фондининг маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Дастлабки қадамлар сифатида биз ҳар йили Нагоя университетининг 15 нафар профессор-ўқитувчисини Ўзбекистонда азиз меҳмонлар сифатида қабул қилишга тайёр эканимизни билдираман.

Улар ўз фан йўналишлари бўйича мамлакатимиз олий ўқув юртларида маърузалар ўқиб, амалий машғулотлар, маҳорат дарслари ўтказиб берсалар, биз ниҳоятда миннатдор бўлардик. Айни вақтда ана шундай алмашувлар дастури асосида ҳар йили мамлакатингизнинг 50 нафар талаба-ёшларини 15 кун давомида Ўзбекистоннинг тегишли олий ўқув юртларида кутиб олишга тайёрмиз. Ўйлайманки, мана шу 50 нафар талабанинг 50 — 60 фоизи Нагоя университети талабалари бўлса, айни муддао бўлар эди.

Ишончим комил, бундай лойиҳалар икки томонлама муносабатларни юқори босқичга кўтаришга катта ҳисса қўшади. Нега деганда, ёшларимиз ўртасидаги алоқалар мустаҳкам бўлса, дўстлик ва ҳамкорлигимиз албатта самарали ва бардавом бўлади.

**Иккинчидан,** Нагоя университети ва Ўзбекистон Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳамкорлигида мамлакатимиз Фанлар академияси қошида нанотехнологиялар асосида янги материаллар яратиш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга оширишни таклиф этаман.

**Учинчидан,** ўзбек — япон археологлари билан биргаликда юртимиз ҳудудида жойлашган буддавийлик тарихи ва маданиятига оид археологик ёдгорликларни илмий ўрганиш ишларини давом эттиришимиз зарур. Биз бу борада япониялик дўстларимиз билан бирга, Термиз давлат университети қошида Ўзбек — Япон илмий марказини ташкил этишдан манфаатдормиз.

Ҳурматли учрашув қатнашчилари!

Биз яқинда Ўзбекистоннинг Япониядаги элчихонасида илм-фан ва инновациялар бўйича маслаҳатчи-вакил лавозимини жорий этдик. Нега десангиз, мен бу учрашувдан олдин ҳурматли президент Мацуо бошчилигидаги бутун илмий жамоа, Нобель мукофоти лауреатлари, проректорлар, профессорлар билан кўришганимда кўп-кўп масалаларни келишиб олдик. Мана шу масалаларни амалга ошириш бўйича бизнинг маслаҳатчи-вакилимиз Нагоя университети билан бевосита шуғулланади. Айтиш мумкинки, у Ўзбекистон Президентининг Нагоя университетидаги ишончли вакили бўлади.

Вақт ўтади, бугунги тарихий учрашувимиз натижалари икки олий ўқув юрти — Нагоя университети ва Тошкент давлат техника университети ўртасидаги алоқаларга, энг асосийси, Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги муносабатларимизга катта ижобий таъсирини кўрсатади, деб ишонаман.

Муҳтарам дўстлар!

Ўзбек халқи Япониянинг қадимий тарихи ва бой маданиятига катта ҳурмат ва қизиқиш билан қарайди. Бунинг амалий тасдиғи сифатида яқинда мамлакатимизда "Япония конституцияси", "Япон шеърияти гулдастаси", "Марказий Осиё маданий мероси Япония тўпламларида", "Ўзбекистон япониялик қалбида" каби бир қанча китоб ва альбомлар ўзбек ва япон тилларида чоп этилди.

Ижозатингиз билан, ушбу нашрларни Нагоя университети кутубхонасига тақдим этмоқчиман. Ўйлайманки, мана шу китоблар сизнинг кутубхонангиздан жой олиб, ҳамкорлигимизни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бугунги ҳамкорлигимиз, бугунги билдирилган фикрлар, катта-катта таклифларнинг натижаси сифатида икки-уч йилдан кейин таржима қиладиган китобларимиз янада кўпаяди, деб истак билдираман.

Мен боя учрашув пайтида ҳурматли Мацуо жанобларига айтдим: "Энди сизнинг жамоангиз фақат Нагояда эмас, балки Тошкентда ҳам катта илмий жамоа ҳисобланади, ўзбек олимлари, талабалари сизни ректор сифатида кутади", деб у кишини Ўзбекистонга ташриф буюришга таклиф қилдим.

Муҳтарам президент Мацуо жаноблари!

Ҳурматли университет илмий жамоаси!

Сўзимнинг якунида менга ва халқимизга кўрсатган юксак ҳурмат ва эҳтиромингиз учун ўз номимдан, делегациямиз номидан яна бир бор миннатдорчилик билдириб, барчангизни Ўзбекистонга таклиф этаман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

# ЎЗБЕКИСТОН ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК УЧУН ОЧИҚДИР

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**— Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдор бўлган барча давлатлар ва компанияларни қизиқтирадиган бир савол билан мурожаат қилишга рухсат этсангиз: мамлакатда кенг миқёсдаги ислоҳотлар давом эттириладими, кейинги таркибий ўзгаришлар қандай бўлади?**

— Кўп йиллар давомида тўпланиб қолган муаммоларни ҳал қилиш, халқаро майдонда миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлаш учун 2017 йилдан эътиборан, Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилиш бўйича кенг кўламли ислоҳотларни бошладик. Иқтисодиётни либераллаштириш ишлари ва маъмурий ислоҳотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда, миллий валютанинг эркин конвертацияси жорий этилди.

Биз рақобат ва тадбиркорликни янада ривожлантириш, хусусий мулкни ҳимоя қилишнинг қатъий кафолатлари, мазкур соҳада очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, бизнес ва сармоя муҳитини яхшилашга муҳим аҳамият қаратмоқдамиз. Буларнинг барчаси, жумладан, Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлишига қаратилган.

Биз хорижий инвесторларнинг қўллаб-қувватлашидан умидвормиз. Ҳукуматимиз хорижий инвестицияларни имкон қадар ҳимоя қилиш ва Ўзбекистонга сармоялар оқимини кенгайтириш мақсадида ишончли рағбатлантириш омилларини таъминлаш учун барча зарур чораларни кўради.

Бугунги кунда Ўзбекистондаги демократик ислоҳотлар ортга қайтмайдиган даражада муқаррар тус олди, деб айтиш учун барча асосларимиз бор. Чунки, бу ислоҳотлар бизнинг миллий манфаатларимизга, халқимизнинг орзу-интилишларига мос келади.

**— 2016 йилда мамлакат Президенти лавозимига сайланганингиздан сўнг Сиз ҳокимиятни демократлаштириш ва унинг очиқлигини таъминлаш сиёсатини амалга оширишга киришдингиз. Ушбу сиёсат давом эттириладими ва шу жиҳатдан қараганда, бўлажак парламент сайловларининг аҳамияти нималардан иборат?**

— Давлат раҳбари сифатидаги фаолиятимнинг илк кунларидан бошлаб жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларини либераллаштириш, мамлакатнинг янгиланиши ва модернизация қилинишига биринчи даражали аҳамият қаратиб келмоқдаман.

Бугунги кунда Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади.

Шуни қайд этиш керакки, Ўзбекистон виза режими энг либерал давлатлар рўйхатида МДҲ ҳудудида иккинчи ва Марказий Осиёда биринчи ўринда туради. Ҳозирги вақтда бизнинг мамлакатимизга 86 та давлат фуқаролари кириш визасини олмасдан келиб-кетиши мумкин.

Бугун Ўзбекистон аҳолисининг 60 фоизини ёшлар ташкил этади. Биз, албатта, ёш авлод ҳақида ҳар томонлама ғамхўрлик қиламиз.

Бўлажак парламент сайловлари миллий мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш, Ўзбекистоннинг дунёдаги ривожланган демократик давлатлар қаторига кириши йўлидаги яна бир амалий қадам бўлади.

**– Ўзбекистон ташқи сиёсатда қандай тамойилларга таянади?**

— Бизнинг мақсадимиз — халқаро майдонда, жумладан, жаҳон хўжалик муносабатларида муносиб ўрин эгаллашдан иборат. Ўз-ўзидан равшанки, ташқи сиёсатимизнинг бош устувор йўналиши — Марказий Осиё минтақасидир. Сўнгги уч йил мобайнида Марказий Осиёда мутлақо янги сиёсий муҳит шаклланди, ўзаро сиёсий ишонч сезиларли даражада ортди, кооперацион ва гуманитар алоқалар фаоллашди.

Минтақамизда барқарорликни таъминлаш қўшни Афғонистонда тинчликка эришиш билан чамбарчас боғлиқдир.

Евроосиёнинг транспорт-транзит ва ишлаб чиқариш салоҳиятини оширишга қаратилган халқаро ташаббусларни қўллаб-қувватлаймиз, минтақамиз орқали Шарқдан Ғарбга ва Шимолдан Жанубга ўтадиган мавжуд транспорт ва иқтисодий коридорларни мустаҳкамлаш ва янгиларини яратиш тарафдоримиз.

Биз барча шерик давлатлар — Россия, АҚШ, Хитой, Жанубий Корея, Европа давлатлари ва мусулмон дунёси мамлакатлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлашдан манфаатдормиз.

# ОНА ТАБИАТНИ ҲИМОЯЛАШ ЙЎЛИДА БИРЛАШАМИЗ

*Ўзбекистон Экологик партияси бошқа сиёсий партиялар қарашлари, мақсад ва вазифаларини эътироф этган ҳолда, барча кучни она табиатни асраб-авайлаш, унинг неъматларидан оқилона фойдаланишдек улкан мақсад атрофида бирлашишга ундайди. Шунингдек, ер русурсларини муҳофазалаш ва атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш бўйича устувор таклифларини илгари сурмоқда.*

## ЕР РЕСУРСЛАРИ МУҲОФАЗАСИ — ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

**Диёра ШАРИПОВА,**
**91-Зангиота сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод:**



*— Партиямиз дастуридан мамлакатнинг "Ақлли" қишлоқ хўжалиги ва агроинновацияларни татбиқ этиш соҳасига доир концепцияни ишлаб чиқиш ҳамда жорий этишга кўмаклашиш, соҳада инновация технологиялари ва янги самарали услубларни қўллаш ҳисобига ер унумдорлиги ҳамда унинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш каби долзарб масалаларга ҳам алоҳида ўрин ажратилган.*

Дарҳақиқат, юртимизда экологик муаммоларни бартараф этиш ва уларнинг салбий оқибатларининг олдини олиш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Бироқ мазкур соҳадаги вазифаларнинг кўлами мамлакатда экологик ҳолатни яхшилаш ва юзага келган муаммоларни яхлит ҳолда ҳал этишда жамиятнинг барча саъй-ҳаракатини бирлаштиришга йўналтирилган давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишни долзарб масала сифатида олдимизга қўймоқда.

Давр талаби асосида халқ иродаси билан ташкил этилган партиямиз сиёсий куч сифатида жамиятни ижтимоий гуруҳларга ажратмаган ҳолда, фуқароларнинг ҳозир ва келгусида қулай атроф-муҳит шароитида яшаши, аҳоли саломатлигини яхшилаш, барча табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш ҳуқуқларини ҳамда уларга сўзсиз риоя этилишини таъминлашга ҳамда янгиланиш жараёнини чуқурлаштиришга жамиятнинг бор куч ва салоҳиятини сафарбар қилишга интилади.

Бугунги кунда Ер сайёраси аҳолиси 7,5 миллиард кишига етди. Жаҳонда юз бераётган глобал иқлим ўзгаришлари, ерларнинг яроқсиз ҳолатга келиши, биологик хилмахиллик камайиб бориши нафақат иқтисодиёт тармоқлари ривожи, балки инсоният келажагига ҳам жиддий хавф солмоқда.

Агар сўнгги ярим аср мобайнида Ер юзидаги аҳоли сони 3 баробар ошган бўлса, шу давр мобайнида транспорт воситалари сони 11 баробарга, нефть қазиб олиш 7 марта, газдан фойдаланиш 15 баробарга кўпайди. Шу давр мобайнида буғдой етиштириш 4,5 марта, ёғоч маҳсулотлари тайёрлаш эса 14 баробар ошди.

XXI асрнинг иккинчи ўн йиллигига келиб кўпгина мамлакатлар чўлланиш ва ерларнинг деградацияга учраши муаммоларини бошидан кечираётгани, оқибатда дунё бўйича қарийб 2 миллиард гектар ер яроқсиз аҳволга келгани масаланинг нечоғли долзарб эканлигини кўрсатиб турибди.

Ана шундай мураккаб вазиятда юртимизда ер ресурсларини асраш, ундан самарали фойдаланиш борасида кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилаётгани диққатга сазовордир. Чунончи, Ўзбекистон Чўлланишга қарши кураш бўйича конвенцияга, Иқлим ўзгариши бўйича доиравий конвенцияга ва Биологик хилмахиллик тўғрисидаги конвенцияга қўшилди. Уларда кўзда тутилган мажбуриятларни бажариш мақсадида Ҳукуматимиз томонидан бир қатор муҳим старатегик дастурлар қабул қилиниб, изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Ер кодексида ер умуммиллий бойлик бўлиб, Ўзбекистон Республикаси халқи ҳаёти, фаолияти ва фаровонлигининг асоси сифатида ундан оқилона фойдаланиш зарурлиги ва у давлат томонидан муҳофаза қилиниши белгилаб берилган.

Бугунги кунда мамлакатимизда ер ресурсларидан мақсадли ва оқилона фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимиз ташаббуси билан қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш ҳамда ер муносабатларини тартибга солишга оид қонунларни амалга ошириш ҳозирги куннинг долзарб талаби даражасига кўтарилди. Ҳаракатлар стратегиясида қишлоқ хўжалиги фойдаланувидаги суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, мелиоратив ва ирригация объектлари тармоғини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг барча соҳасида замонавий, илғор ресурстежамкор усулларни қўллаш орқали қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Бугунги кунда юртимизда экинзорларнинг умумий майдони 4 миллион гектардан ортиқ. Шундан суғориладиган ерлар 3 миллион 285 минг гектарни ташкил этади. Буни, таъбир жоиз бўлса, мамлакатимизнинг олтин фондига қиёслаш мумкин. Негаки, иқтисодий мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш, саноат тармоқларини муҳим хом ашёлар билан кафолатли таъминлаш, экспорт салоҳиятини юксалтириш ер ресурсларидан самарали фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш билан бевосита вобастадир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, республикамиз ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ва қишлоқ хўжалиги ерлари унумдорлигини ошириш, қишлоқ хўжалиги ерларидан, айниқса, суғориладиган ерлардан бошқа мақсадларда фойдаланишнинг олдини олиш юзасидан қаттиқ назорат ўрнатиш, республика ер фонди ҳисобини юритишни тизимлаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш муҳим вазифалардан саналади. Шунинг учун республикамизнинг асосий деҳқончилик юритиладиган ҳудудларида тупроқ шароити, қишлоқ хўжалиги экинлари талабларини ҳисобга олган ҳолда, экинларни тўғри жойлаштириш, ишлаб чиқаришни чуқур ихтисослаштириш, қишлоқ хўжалиги ерларида доимий кадастр ҳисобини юритиш долзарб аҳамият касб этади.

Мазкур йўналишдаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш, ерга оид қонун ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини изчил таъминлаш партиямиз дастури билан ҳамоҳанг бўлиб, биз бу борада уларнинг мазмун-моҳиятини кенгроқ тушунтириш учун тарғибот-ташвиқот тадбирларини кучайтиришни ўзимизга вазифа сифатида белгилаб олганмиз.

## ЭКОЛОГИК ТОЗА ЭНЕРГИЯДАН ФОЙДАЛАНАМИЗ

**Абдураҳим ҚУРБОНОВ,**
**80-Қизириқ сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод:**



*— Партиямиз атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиатдан оқилона фойдаланиш ҳамда аҳоли учун қулай яшаш шароитлари яратиш бобидаги фаолиятини кучайтиришда мақсадли минтақавий ва ҳудудий дастурлар ҳамда лойиҳалар амалга оширилишини фаоллаштиришга интилади.*

Мазкур вазифаларни рўёбга чиқариш мақсадида партиямиз мамлакатда атроф-муҳит ҳолатини яхшилаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик муаммоларни яхлит ҳолда ҳал этишга қаратилган дастур ҳамда стратегияни шакллантириш ва илгари суришни муҳим, деб билади. Шу жумладан, экологик тоза энергиядан фойдаланиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратамиз.

Негаки, бугун дунёда аҳоли сони кўпайиб бориши ҳамда иқтисодиёт тармоқларининг жадал тараққиёти электр энергиясига бўлган талабни кун сайин оширмоқда. Электр энергиясини ишлаб чиқаришда зарур табиий ресурслар захираси эса чекланган бўлиб, тобора камайиб боряпти. Шу боис истиқболли энергия манбалари, хусусан, атом энергетикасига эҳтиёж ҳам ортяпти.

Мамлакатимизда ҳозирги кунда электр энергиясига бўлган талаб 69 миллиард киловатт-соатни ташкил этади. Айни вақтда юртимизда йилига 64 миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқилади. Бу миқдордаги қувватни ҳосил қилиш учун йилига 16,5 миллиард куб метр табиий газ, 86 минг тонна мазут ҳамда 2,3 миллион тонна кўмир сарфланади. Мутахассисларнинг фикрича, 2030 йилга бориб мамлакатимизнинг электр энергиясига бўлган талаби 117 миллиард киловатт-соатга етади.

Айтиш жоизки, бу борадаги муаммоларни бартараф этиш мақсадида мамлакатимизда атом энергетикасига асос солинди ва жорий йилнинг 2 июль куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан "Атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди. Уни ишлаб чиқишда партиямиз аъзолари ҳам фаоллик кўрсатганлигини айтиб ўтиш жоиз.

### Мазкур Қонунни ишлаб чиқишга қуйидагилар сабаб бўлди:

**Биринчидан,** *юртимизда атом энергиясидан фойдаланишни тартибга солувчи махсус қонун мавжуд эмас эди. Атом энергиясидан фойдаланишнинг айрим жиҳатлари Ўзбекистон Республикасининг "Радиациявий хавфсизлик тўғрисида"ги ва "Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида"ги қонунлари ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солиб келинаётганди.*

**Иккинчидан,** *Ўзбекистон "Ишлатиб бўлинган ёқилғи ҳамда радиоактив чиқиндилар билан муомалада бўлиш хавфсизлиги тўғрисида"ги конвенция (1997 й.), "Атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш соҳасида ҳамкорликнинг асосий принциплари тўғрисида"ги Битим (1992 й.) ҳамда атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги бошқа халқаро ҳужжатлар иштирокчиси ҳисобланиб, улар қоидаларини имплементация қилиш бўйича мажбуриятларни олган.*

Қонунда атом энергиясидан фойдаланишни таъминлаш тизими учун ҳуқуқий асос яратиш, амалдаги меъёр ва қоидаларни унификациялаш, уларни Ўзбекистон томонидан имзоланган халқаро мажбуриятлар билан мувофиқлаштириш, атом энергиясидан фойдаланишда юридик шахслар ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш бўйича миллий қонунчиликка хорижий давлатларнинг энг самарали тажрибаси ҳамда механизмларини жорий этиш назарда тутилган.

Атом энергетикасидан фойдаланиш соҳасида лицензиялаш, атом энергетикасидан фойдаланишга доир фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи рухсатномалар бериш, атом энергетикасидан фойдаланиш соҳасида давлат назорати, ядро қурилма хавфсизлигини даврий баҳолаш, сақлаш пунктлари бўйича тартиблар Қонунда ўз аксини топди. Шу билан бирга, унга атом энергиясидан фойдаланиш объектларини эксплуатация қилиш, давлат ҳисобини ва ядровий материалларни назорат қилишга оид нормалар ҳам киритилган.

Мазкур ҳужжатни пишиқ-пухта ҳолга келтириш мақсадида депутатлар хорижий мамлакатлар тажрибасини атрофлича таҳлил қилишди. Шунингдек, Россия Федерацияси, Япония ва Венгриянинг атом энергетикаси соҳасидаги илғор тажрибалари, қонунчилик базаси жойига бориб ўрганилди.

Қонунни ишлаб чиқишда илғор давлатларнинг ишончли ва мақбул қонунчилик амалиёти қўлланилди. Хусусан, бошқа барча фаолият кўрсаткичлари устидан қатъий хавфсизлик ҳуқуқий талаби ўрнатилди. Атом энергиясидан фойдаланишда хавфсизлик талабларининг асосий ва бошқа принциплари аниқлаштирилди. Соҳадаги барча фаолият турлари белгилаб олинди, фуқаролар учун атом энергиясидан фойдаланиш ҳақида тўлиқ маълумот олиш кафолатлари таъминланди.

Умуман, бу Қонун партиямиз дастурий мақсадларига ҳамоҳанг бўлиб, атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш ва атом энергетикасини ривожлантиришнинг ҳуқуқий шарт-шароитларини яратишга хизмат қилади.

# ЎЗБЕКИСТОН — ЯПОНИЯ:
# САВДО-ИҚТИСОДИЙ, ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ВА ТЕХНОЛОГИК ҲАМКОРЛИК СОҲАСИДА ЯНГИ САҲИФА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Транспорт қисмлари, технологик ускуналар, чўян ва пўлат, каучук ва пластмасса ишлаб чиқариш бўйича ҳам префектуранинг салоҳияти юқори.

Тюбу вилояти самолёт ва улар учун эҳтиёт қисмларнинг 50 фоизини ишлаб чиқарадиган Япониянинг аэрокосмик технологиялар тайёрлайдиган йирик маркази ҳамдир. Аичи префектураси саноат роботлари етказиб бериш, уларни ишлаб чиқарувчи корхоналар ва соҳада фаолият юритувчи мутахассислар сони бўйича Кунчиқар мамлакатда биринчи ўринда туради.

2018 йилда ҳудуднинг ташқи савдо айланмаси 226,5 миллиард долларни ташкил этган. АҚШ, Хитой, Европа Иттифоқи давлатлари, Корея Республикаси унинг асосий савдо ҳамкорлари ҳисобланади.

Ўзбекистон учун Япониянинг ушбу маъмурий ҳудуди билан тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатиш ҳар томонлама манфаатлидир.

Учрашувда мамлакатимиз билан Аичи префектураси ўртасида таълим ва маданият соҳасида самарали мулоқотлар йўлга қўйилгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Инновациялар, саноат, қишлоқ хўжалиги ва қўшма агрокластерлар ташкил этиш, туризм, академик алмашинув соҳаларида ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш ва аниқ лойиҳаларни илгари суриш учун имкониятлар мавжудлиги алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон томонидан префектуранинг шериги этиб Тошкент вилояти белгиланди. Ўзаро ташрифларни ташкил қилиш ва Аичидан авиақатновларни йўлга қўйиш масаласини кўриб чиқишга келишиб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Нагоя шаҳри мэри Такаси Кавамура билан учрашув ўтказди.

Нагоя Япониянинг илм-фан ва саноат тараққий этган йирик маркази бўлиб, ялпи ички маҳсулоти 117 миллиард доллардан ошади. Бу аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 52 минг долларга тенг. Машинасозлик, металлургия, кимё, нефтни қайта ишлаш, тўқимачилик, енгил саноат ҳудуднинг асосий саноат тармоқлари ҳисобланади. Япониянинг энг йирик портларидан бўлган Нагоядан йилига 110 миллион тоннадан зиёд юклар ташилади.

Музокарада Нагоя мэрияси делегациясининг Ўзбекистонга ташрифи натижасида эришилган келишувларни амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Пойтахтимиз Тошкентда Нагоя юқори технологиялар паркини ташкил этиш, иқтисодиёт, саноат, транспорт, таълим, туризм ва бошқа устувор йўналишларда инновацион лойиҳаларни амалга ошириш шулар жумласидан.

2020 йилга мўлжалланган қўшма тадбирлар "Йўл харитаси"ни ишлаб чиқишга келишиб олинди.

Учрашув сўнгида Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Нагоя мэрияси ўртасида шериклик тўғрисида битим имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Японияга расмий ташрифи доирасидаги навбатдаги муҳим манзил Нагоя университети бўлди.

Нагоя университети дунёдаги энг нуфузли илм-фан ва таълим масканларидан, қитъадаги ўнта энг намунали олий таълим даргоҳларидан биридир. Мазкур университетда дунёга машҳур кўплаб олимлар таълим олган ва меҳнат қилмоқда, бу ердан физика ва кимё фанлари бўйича олти нафар Нобель мукофоти совриндори етишиб чиққан. Бугунги кунда университетда 16 мингдан зиёд талабалар таҳсил олади. Шундан 2,6 минг нафари хорижий мамлакатлар, 30 нафардан ортиғи Ўзбекистон ёшларидир. Ҳозирги кунга қадар мазкур университетда 400 дан ортиқ ўзбекистонлик талаба ва тадқиқотчилар таълим олган.

2010 йилда Тошкентда Нагоя университетининг ваколатхонаси очилган эди. МДҲдаги ягона мазкур ваколатхона мамлакатларимиз олий ўқув юртлари учун таълим ва илмий тадқиқотлар соҳасида кўприк вазифасини ўтамоқда. Бевосита университет иштирокида икки мамлакатда мунтазам ўтказилаётган Ўзбекистон — Япония талабалар академик форуми ва олий ўқув юртлари ректорларининг анъанавий конференциялари илмий ҳаётимизда катта роль ўйнамоқда.

Давлатимиз раҳбари университет фаолияти билан танишди, унинг президенти Сейичи Мацуо билан учрашди. Учрашувда бир неча Нобель мукофоти совриндорлари ва бошқа олимлар иштирок этди.

— Сизнинг юртимизга илмий ҳамкорлигимизни ривожлантириш борасида қилаётган катта хизматларингизни алоҳида қадрлаймиз. Айниқса, ўтган йили Нобель мукофоти совриндори, профессор Рёжи Ноёри жаноблари билан биргаликда Ўзбекистонга ташрифингиз мамлакатимиз илмий ҳаётида муҳим воқеа бўлди, — деди Шавкат Мирзиёев.

Сейичи Мацуонинг Ўзбекистон илм-фани ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётганини эътиборга олиб, яқинда Тошкент давлат техника университети илмий кенгаши уни университетнинг фахрий ректори этиб сайлади. Шунингдек, Ўзбекистон Фанлар академияси томонидан профессор Ноёрига фахрий академик унвони берилди.

Учрашувда Президентимиз Сейичи Мацуо ва Рёжи Ноёрини ушбу унвонлар билан табриклади.

Академик алмашинувларни фаоллаштириш ҳамда ҳамкорликнинг устувор йўналишларида қўшма илмий тадқиқотлар амалга оширишга келишиб олинди.

Нагоя университетида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга фахрий доктор унвонини топширишга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Унда университет раҳбарияти, профессор ва ўқитувчилари, талабалари ҳамда Нобель мукофоти совриндорлари, Японияда таҳсил олаётган ўзбекистонлик ёшлар иштирок этди.

Давлатимиз раҳбарининг таълим соҳасини ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси ҳамда илм-фан ва академик алмашинувларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлагани учун, шунингдек, Ўзбекистонда янги босқичда амалга оширилаётган иқтисодиётни либераллаштириш ва барқарор тараққиётга эришиш борасидаги ислоҳотлар эътирофи сифатида Нагоя университетининг илмий кенгаши Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга университет фахрий доктори унвонини бериш тўғрисида қарор қабул қилди.

Маросимда Нагоя университети президенти Сейичи Мацуо сўзга чиқиб, Ўзбекистон раҳбари икки мамлакат ўртасида илм-фан соҳаларидаги алоқаларни ривожлантиришга катта эътибор қаратаётгани, ушбу қарор томонларнинг таълим соҳасидаги узоқ муддатли ва истиқболли ҳамкорликни янада кенгайтиришга бўлган интилиши ифодаси эканини таъкидлади.

Президентимиз замонавий тараққиётнинг калити илм-фан ва таълимда эканини чуқур англаб, инсон капиталига инвестиция киритишни давлат сиёсати даражасига кўтарди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан таълим соҳаси тубдан ислоҳ қилинмоқда. Ўзбекистоннинг эртанги куни замонавий кадрларга боғлиқ эканини инобатга олган ҳолда, мактабгача таълим, умумий таълим ва олий таълим тизими мазмунан ва сифат жиҳатидан янгиланмоқда.

Мамлакатимизда Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар ташкил этилгани юртимиз фарзандлари учун таълим-тарбия олиш борасида янги имкониятлар яратади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўз нутқида ўзбек ва япон халқларини ўхшаш миллий ва ахлоқий қадриятлар билан бирга, илм-фан ва тафаккурга, камолотга доимо интилиб яшаш каби эзгу фазилатлар бирлаштириб туришини таъкидлади. Замонавий дунёда инсон капитали, интеллектуал салоҳият, инновацион ғоялар, юқори технологиялар жадал ва барқарор тараққиётнинг фундаментал асосини ташкил қилаётганини қайд этди.

— Бу унвонни, мен аввало Ўзбекистон халқига кўрсатилган эҳтиром ифодаси, деб қабул қиламан ва бунинг учун Нагоя университети раҳбариятига, унинг илмий жамоасига чуқур миннатдорлик билдираман, — деди давлатимиз раҳбари.

Президентимиз Ўзбекистон таълим ва фан соҳаларидаги кенг миқёсли ислоҳотлар ҳақида сўзлади.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон — Япония ҳамкорлигида улкан ишлар амалга оширилганини қайд этиб, айни вақтда бу борада ҳали ишга солинмаган имкониятлар ҳам мавжудлигини таъкидлади ҳамда қатор таклифларни илгари сурди.

Президентимиз Ўзбекистон — Япония азалий дўстлигининг рамзи сифатида мамлакатимизда ўзбек ва япон тилларида чоп этилган бир қанча китоб ва альбомларни Нагоя университети кутубхонасига тақдим этди.

Шу ерда Шавкат Мирзиёев Нагоя шаҳрида таълим олаётган ва фан билан шуғулланаётган ватандошларимиз билан учрашди.

Давлатимиз раҳбарининг ташрифи доирасида Нагоя университетида Ўзбекистон — Япония талабаларининг академик форуми ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев куннинг иккинчи ярмида Токиога шаҳрига келди.

"Ханэда" халқаро аэропортида давлатимиз раҳбарини Япония таълим, маданият, спорт, фан ва технологиялар, таълим тизимини тиклаш масалалари вазири Хагиуда Коичи, Япония Ташқи ишлар вазирлигининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили Хидеки Уяма ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Токио шаҳридаги Акасака қароргоҳида Япония Бош вазири ўринбосари, молия вазири Таро Асони қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги дўстлик ва стратегик шериклик муносабатлари ҳар томонлама мустаҳкамланиб, савдо-иқтисодий ҳамкорлик кенгайиб бораётганини катта мамнуният билан қайд этди.

Олий даражадаги ташриф арафасида икки мамлакатнинг кўп сонли компания ва банклари иштирокида ўтган бизнес форумининг юқори натижалари юксак баҳоланди.

Учрашувда инвестициявий, технологик, молиявий ва молиявий-техник ҳамкорликни кенгайтириш, қишлоқ хўжалиги, энергетика ва бошқа соҳаларда қўшма лойиҳаларни илгари суриш истиқболлари муҳокама қилинди.

Ташриф давомида солиқ соҳаси ва божхона иши бўйича имзоланаётган икки томонлама битимлар аҳамияти қайд этилиб, бу узоқ муддатли ишбилармонлик алоқаларини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиши таъкидланди.

Иқтисодиёт тармоқлари ва молия тизимини ислоҳ этишнинг долзарб масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Япония парламентининг "Ўзбекистон — Япония" дўстлик лигаси вакиллари билан учрашди. Тадбирда ушбу лиганинг қатор аъзолари, жумладан, унинг раиси — Япония Бош вазири ўринбосари, молия вазири Таро Асо иштирок этди.

Парламентлараро алоқалар кўп қиррали Ўзбекистон — Япония ҳамкорлигига мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилади.

Икки мамлакат қонун чиқарувчи органлари ўртасида алоқалар 1993 йилда ўрнатилган. Япония парламентида "Ўзбекистон — Япония" дўстлик лигаси ташкил этилган. Унинг таркибига таниқли сиёсат арбоблари, депутатлар, дипломатлар, энг асосийси, мамлакатимизнинг чинакам ва ишончли дўстлари киради.

Мулоқот чоғида икки мамлакатнинг амалий ҳамкорлигини кенгайтириш, Ўзбекистон ва Япония халқлари дўстлигини мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Ҳозиргача парламентлараро форумнинг иккита қўшма мажлиси бўлиб ўтган. Унинг учинчи мажлисини Тошкентда ўтказиш тўғрисида келишувга эришилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Токио шаҳрида Япония ишбилармон доиралари вакиллари билан учрашув ўтказди. Унда "JETRO", "JICA", "JABIC", "NEDO", "JOGMEC", "Mitsubishi", "Itochu", "Sumitomo", "Marubeni", "Isuzu" каби корпорация ва компаниялар, молиявий тузилмалар раҳбарлари иштирок этди.

Учрашув аввалида 16 декабрь куни Токиода бўлиб ўтган Япония — Ўзбекистон бизнес форуми натижалари ҳақида ахборот берилди.

Президентимиз Япония компаниялари ва молиявий тузилмаларини Ўзбекистонда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда фаол иштирок этишга таклиф қилди.

— Япония — бизнинг стратегик шеригимиз. Ўзбекистонда иқтисодиёт тармоқлари ва инфратузилмани модернизация қилиш бўйича ҳамкорликда кўп ишлар қилинди. Биз бу алоқалар тарихида янги саҳифа очиш ниятида келдик. Савдо, энергетика, геология, кимё, транспорт, туризм, мева-сабзавотларни қайта ишлаш ва хизмат кўрсатиш тармоқларида имкониятлар, янги лойиҳалар кўп, — деди Шавкат Мирзиёев.

Иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар фаол жалб этилмоқда. Хорижий инвесторлар учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Улар фаолиятини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш учун зарур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Бизнесни ривожлантириш йўлидаги турли тўсиқларга барҳам берилди, ташқи савдо ва божхона-тариф назорати сезиларли даражада қисқартирилди.

Ишбилармонлик муҳитини яхшилашга қаратилган ушбу янгиланишлар натижасида Жаҳон банкининг "Бизнесни юритиш — 2020" рейтингида Ўзбекистон кейинги бир неча йил ичида 100 поғона кўтарилиб, 69-ўринни эгаллади ҳамда йигирмата энг намунали ислоҳотчи давлат қаторига кирди. Янги корхона очиш қулайлиги бўйича мамлакатимиз илк бор дунёда саккизинчи ўринни эгаллади.

Президентимиз Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар ортга қайтмаслигини, иқтисодиёт изчил модернизация қилинишини таъкидлади.

Япониялик тадбиркорлар юртимиздаги ўзгаришларни юқори баҳолади. Валюта тизимининг либераллаштирилиши, виза олиш тартибининг соддалаштирилиши ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш учун қулай имкониятлар яратганини таъкидлади. Улар Ўзбекистон Президентининг расмий ташрифи икки мамлакат ишбилармон доиралари ўртасидаги ўзаро манфаатли алоқаларни янги мазмун билан бойитишига ишонч билдирди.

Учрашувда икки мамлакат компаниялари ва молиявий ташкилотлари ўртасидаги шерикликни янада ривожлантириш, қўшма дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш, ўзаро товар етказиш ва хизмат кўрсатиш ҳажмини ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Японияга расмий ташрифи давом этмоқда.

**Матназар ЭЛМУРОДОВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**
Япония

# ЮРТИНГИЗДА ЯПОН ҚАДРИЯТЛАРИГА БЎЛГАН ҲУРМАТ ВА ЭЪТИБОР КИШИНИ ҚУВОНТИРАДИ



*Япониянинг олий таълим муассасалари билан имзоланган ҳамкорлик битимларига мувофиқ, Тошкент давлат шарқшунослик институтида 5 нафар япониялик талаба ўзбек тилини ўрганмоқда. Мен ҳам улар сафида эканимдан ғоят бахтиёрман.*

## Таассурот

2019 йилнинг сентябрь ойидан эътиборан серқуёш Ўзбекистондаман. Тўғрисини айтсам, Тошкентга келган илк кунларим янги курсдошларим мени қандай қабул қилишар экан, нотаниш одамлар орасида қандай яшар эканман, дея хавотир олгандим. Бироқ халқингизнинг очиққўнгиллиги, меҳрибонлиги бунинг асоссиз эканини кўрсатди.

Бу ерда ўтаётган ҳар бир кунимиз таассуротларга бой. Тошкентда орттирган янги дўстларимиз билан Чимён тоғларига саёҳат қилиб, гўзал табиатдан баҳраманд бўлдик. Самарқандда тарихий ёдгорликларни зиёрат қилиб, кўҳна ва қадимий шаҳарнинг бой мероси билан яқиндан танишдик. Саёҳат давомида дўстларимиз Самарқанд шаҳрининг қадимий обидалари, бозорлари, Ўзбекистон мустақил бўлгандан кейинги даврда барпо этилган иншоотлару кўчаларни кўрсатди. Улар орасида Регистон майдонининг салобати мени ҳайратга солди.

Тошкент давлат шарқшунослик институтида японшунос талабаларнинг кўплиги жуда қувонарли. Айниқса, таълим муассасасида жорий ўқув йилида очилган японшунослик факультети, техник ускуналар ва ўқув материаллари билан таъминланган Япон филологияси кафедраси, кафедра қошидаги замонавий кутубхона бу ерда япон тили, адабиёти, тарихи, иқтисодиётини ўрганишга қаратилаётган катта эътибор намунаси бўлиб, кишини қувонтиради. Ушбу масканда ўтказилаётган маданий тадбирлар, нотиқлик санъати мусобақалари, турли илмий семинарлар профессор-ўқитувчи ва талабаларнинг японшуносликка қизиқишини янада оширмоқда. Иқтидорли ёшларнинг Япония университетларига тажриба алмашиш учун юборилаётгани ўзаро ҳамкорликни янада кучайтиряпти.

Юртингизда шунга амин бўлдимки, ўзбек ва япон маданиятлари орасида муштарак жиҳатлар кўп. Бу икки халқ ўртасидаги дўстлик ришталарининг янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Университетни битиргач, Ўзбекистон ва Япония муносабатларининг ривожи учун ўз ҳиссамни қўшиш ниятидаман. Ушбу сеҳрли диёрдан дўстлар, билим орттириш билан бирга, ҳаётдаги ўз мақсадимни ҳам топдим.

**Юка НАКАИ,**
**Токио чет тиллари университети талабаси,**
**Тошкент давлат шарқшунослик институти стажёри.**

# ЭРИШИЛГАН КЕЛИШУВЛАР АМАЛИЁТГА ТЎЛИҚ ТАТБИҚ ЭТИЛАДИ

*Шу кунларда Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси Боку шаҳрида бўлиб, Туркий тилли давлатлар Парламент Ассамблеясининг ялпи мажлисида иштирок этмоқда.*

## Учрашув

Ташриф доирасида Сенат Раиси Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев билан учрашди.

Президент Илҳом Алиев икки томонлама муносабатларнинг бугунги ҳолати ва ривожланиш истиқболларига тўхталиб ўтар экан, Президент Шавкат Мирзиёевнинг Озарбайжонга амалга оширган ташрифи ва Ўзбекистоннинг Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашининг саммитида тўла ҳуқуқли аъзо сифатида иштирокини алоҳида эътироф этди. Учрашувда Боку шаҳрида олий даражада бўлиб ўтган самарали музокараларга юқори баҳо берилиб, уларнинг амалий аҳамияти таъкидланди. Шунингдек, Озарбайжон томони эришилган келишувларни тўлиқ татбиқ этишга тайёр эканлиги айтиб ўтилди.

Суҳбат давомида икки мамлакат парламентлараро ҳамкорлигини янада ривожлантириш бўйича ҳам фикр алмашилди.

Илҳом Алиев Ўзбекистон делегациясининг Туркий тилли давлатлар Парламент Ассамблеяси тадбирларида қатнашишини яна бир бор қутлаб, бу Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгаши фаолиятида муҳим воқеа эканини қайд этди.

Учрашувда Туркий тилли давлатлар Парламент Ассамблеясининг тўққизинчи ялпи мажлиси муваффақиятли ўтиши, унда муҳим масалалар муҳокама этилиши ва яхши натижаларга эришилишига ишонч билдирилди.

Тадбир Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги дўстона, самимий ҳамда биродарлик алоқаларини янада кучайтиришга хизмат қилиши таъкидланди.

**Олий Мажлис Сенатининг Ахборот хизмати материаллари асосида М. КАРИМОВА тайёрлади.**

## Сайлов — 2019

# «ЎЗБЕКИСТОНДА САЙЛОВЛАРГА ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИЛГАН»

*Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ва Туркия Республикаси Олий сайлов кенгаши ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди.*

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда Марказий сайлов комиссияси Раиси М. Абдусаломов мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳурмат ва ишонч, стратегик шериклик тамойилларига асосланган ҳамкорлик алоқалари барча соҳа сингари сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш борасида ҳам тобора ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлади.

Қайд этилганидек, жорий йил 22 декабрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтадиган сайловларни умумэътироф этилган халқаро сайлов стандартларига мос тарзда ўтказиш бўйича барча зарур чоралар кўриляпти. Бунда янгиланган миллий сайлов қонунчилиги муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, чет элда вақтинча ёки доимий яшаётган Ўзбекистон фуқаролари қирққа яқин мамлакатларда ташкил этилган эллик бешта сайлов участкасида овоз бериши мумкин. Табиийки, ана шундай сайлов участкалари Туркияда ҳам очилди.

Туркия Республикаси Олий сайлов кенгаши раиси Сади Гювен ўз сўзида тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйган Ўзбекистонда амалга оширилаётган улкан ўзгаришларни Туркия аҳли катта қизиқиш ҳамда хайрихоҳлик билан кузатиб бораётганини таъкидлади. Очиқлик, ошкоралик, демократия тамойилларига катта эътибор қаратилаётгани ўтказиладиган сайловларда ҳам ўз ифодасини топишига ишонч билдириб, сайловда халқаро кузатувчи сифатида иштирок этиш борасидаги таклиф учун Ўзбекистон томонига миннатдорлик билдирди.

**Сади ГЮВЕН,**
**Туркия Республикаси**
**Олий сайлов кенгаши раиси:**



*— Ўзбекистонда сайловларга тайёргарлик ишлари билан танишар эканман, бу борада улкан ишлар амалга оширилганига гувоҳ бўлдим. Биргина сайловчиларнинг электрон рўйхати тузилиши ушбу муҳим сиёсий жараёнларнинг юқори савияда ҳамда шаффоф ўтишида асосий омиллардан биридир.*

*Эътиборимни тортган яна бир янгилик шу бўлдики, сайлов участкаларида ишлайдиган ходимлар узоқ вақт мобайнида таълим олиб келишаётган экан. Буни сайлов натижаларига тўғридан-тўғри ижобий таъсир ўтказадиган унсур сифатида юқори баҳолаш мумкин. Қисқача айтганда, юртингизда сайловларга пухта тайёргарлик кўрилгани яққол сезилиб турибди.*

Икки мамлакат олий сайлов органлари ўртасида имзоланган меморандумда томонларнинг сайловларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш амалиётини янада такомиллаштириш, сайлов жараёнларига замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш, кадрларнинг малакасини ошириш каби йўналишлар бўйича ўзаро ҳамкорлиги кўзда тутилган.

Шунингдек, Марказий сайлов комиссиясида Буюк Британия ташқи ишлар вазири ўринбосари Алан Дункан билан учрашув ўтказилди.

МСК раисининг ўринбосари Маҳмуд Истамов меҳмонга юртимизда сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёни ҳақида маълумот берди. Хусусан, бу галги сайловлар "Янги Ўзбекистон. Янги сайловлар" шиори остида ташкил этилаётир. Сайлов комиссиялари аъзоларининг сайлов қонунчилиги ҳақидаги назарий билимлари ва амалий тажрибасини ошириш, сайлов жараёнига замонавий АКТни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Жорий йил сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати шакллантирилган. Сайловда 20 миллион 600 минг нафар фуқаро овоз бериши кутилмоқда.

Буюк Британия ташқи ишлар вазири ўринбосари А. Дункан сайлов жараёни очиқ ва ошкоралиги, фуқароларнинг сайлаш, сайланиш ҳуқуқидан тенг ва эркин фойдаланиши учун Ўзбекистонда яратилган шароитлар билан яқиндан танишиш истаги борлигини қайд этди.

**Алан ДУНКАН,**
**Буюк Британия ташқи ишлар вазири ўринбосари:**



*— Сайловларда очиқлик ва эркинлик устувор йўналиш ҳисобланади. Чунки ушбу тамойиллар сайловларнинг шаффоф ўтишига хизмат қилади. Бу борада юртингизда олиб борилаётган ишлар, татбиқ этилаётган илғор ахборот технологиялари ва сайловчиларга яратиб берилаётган қулайликлар эътиборга лойиқ, албатта.*

*Яна бир жиҳат, ёшлар ушбу жараёнда фаол иштирок этиб, ўз овозларини беришлари муҳим. Чунки бу уларнинг бевосита келажагини белгилайди. Ўзбекистонда сайлов қонунчилигини тарғиб қилиш ойлиги ташкил қилингани, бундай сиёсий тадбирларда ёшлар фаоллиги юқори эканини таъкидламоқчиман.*

Шу куни Буюк Британия ташқи ишлар вазири ўринбосари А. Дункан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев билан ҳам учрашди. Унда меҳмонга парламент юқори палатасининг бугунги кундаги фаолияти бўйича маълумот берилди.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

ЭЪЛОН

«TOSHKENT UNIVERSAL AUKSION SAVDO» МЧЖ
АХБОРОТИ

«Халқ сўзи» газетасининг 2014 йил 18 ноябрдаги 223-сонли нашрида аукцион савдоларига қўйилган «METROQURILISH MEXANIZATSIYA» ШК балансидаги давлат рақами 01 823 UAA бўлган «ГАЗ-31029» русумли автотранспорт воситаси ва давлат рақами 64-50 ЕЦ бўлган «SL-290LC-V» русумли экскаватор ушбу ташкилотнинг 2019 йил 9 декабрдаги 143-сонли хатига асосан аукцион савдоларидан олинганлиги маълум қилинади.

1028J/

Гувоҳнома № 005357

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Абу Райҳон Беруний номидаги Бизнес ва бошқарув республика олий мактаби жамоаси Қайта тайёрлаш, малака ошириш ва сертификациялаш бўлими бошлиғи **Игорь КАМИЛОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

**Молия муассасаларида**

# «АСАКА» БАНКИ ЯПОНИЯНИНГ «SMBC» БАНКИ БИЛАН ҚИЙМАТИ 100 МИЛЛИОН АҚШ ДОЛЛАРИЛИК КЕЛИШУВ ИМЗОЛАДИ

“Асака” банки мамлакатимиздаги етакчи молия муассасаларидан бири бўлиб, Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолиятининг фаол қатнашчиларидан ҳисобланади.

Мазкур банк хорижнинг кўплаб банклари ва халқаро молия институтлари билан шериклик муносабатларини ўрнатган. Жумладан, Япониянинг “Nexi” экспорт кредит агентлиги суғуртаси остида лойиҳаларни молиялаш йўналишида “MUFG”, “ING”, “Mizuho”, “SMBC” (Sumitomo Mitsui Banking Corporation), “JBIC” (Japanese Bank for International Cooperation) сингари банклар билан ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Японияга расмий ташрифи олдидан кунчиқар юртда ташкил этилган бизнес форуми доирасида “Асака” банки ва Япониянинг “SMBC” молия муассасаси ўртасида қиймати 100 миллион АҚШ долларига тенг ҳамкорлик келишуви имзоланди.

Мазкур шартноманинг амалиётга татбиқ этилиши савдони молиялаштириш воситалари кўмагида юртимиз автосаноати учун бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлар етказиб бериш, шунингдек, Японияда ишлаб чиқарилган технологик ускуналарни импорт қилиш имконини беради.

**Банк матбуот хизмати.**

*Хизматлар лицензияланган.*

# «ТУРОНБАНК» АТБ КРЕДИТИ ЭВАЗИГА «LOCHIN» БРЕНДИГА АСОС СОЛИНДИ

*Бугунги кунда глобал жараёнларда иштирок этмайдиган ёки жаҳон иқтисодиётига интеграциялашмаган давлатни топиб бўлмайди. Тараққиётнинг юқори нуқтасига етиб бораётган глобализация натижасида давлатлар хизмат кўрсатишдан тортиб, ишлаб чиқаришгача бўлган барча йўналишни ривожлантириш орқали самарадорликни оширишга ҳаракат кўпаймоқда.*

Хусусан, мамлакатимизда ҳам бу борада ижобий ўзгаришлар кўпаймоқда. Фаоллашиб бораётган инвестиция оқими эвазига республикамиз ҳудудларида ўз бизнесини йўлга қўйиш истагидаги ташаббускорлар сони кўпайиб, ишлаб чиқарилаётган маҳаллий товарларнинг ҳажми ортиб бораётир. Айниқса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш тармоғида бу силжиш яққол намоён бўляпти.

Ушбу жадал ўсиш суръатлари саноатнинг бошқа турларини янада ривожлантириш, ишлаб чиқаришнинг янги кўринишларини маҳаллийлаштириш зарурлигини кўрсатмоқда. Хусусан, юк ташиш учун мўлжалланган қулай, ёнилғи тежамкор транспортлар тайёрлаш буларга яққол мисол бўла олади. Давлатимиз раҳбари томонидан ишбилармонларга яратилаётган имкониятлар натижасида бухоролик тадбиркорлар ҳозирги кунга қадар валюта ҳисобига хориждан импорт қилинаётган юк мотоцикллари, мотокультиватор ва квадроциклларни ўзимизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйишди.

Корхонага Хитой Эксимбанки кредит линияси маблағларини жалб қилган ҳолда, “Туронбанк” АТБ томонидан 504 минг АҚШ долларилик молиявий кўмак кўрсатилди. Унинг натижасида “Lochin” бренди остидаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришга мўлжалланган бино ва иншоотлар замонавий тарзда реконструкция қилиниб, цехлар инновацион технологик ускуналар билан жиҳозланди. Ундаги барча ишлар автоматлаштирилган компьютер тизимига ўтказилди. Натижада йиғиладиган шоссе, борт, рессор ва бошқа қисмлар корхонанинг ўзида тайёрланмоқда.

Айтиш керакки, ушбу турдаги юк мотоциклларига мамлакатимизда, жумладан, Бухоро вилоятида ҳам талаб катта. Улар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ташишда тиркагичли техникаларга нисбатан қулайлиги билан анча устундир. Корхона вакилларининг сўзларига кўра, айни пайтда йилига 7,5 минг дона мотоцикл ва 1,5 минг дона квадроцикл ишлаб чиқарилмоқда. Ушбу рақобатбардош “Lochin”ларимизга эса Тожикистон, Афғонистон, Қозоғистон ва Россия давлатларидан харид қилиш истагидаги таклифлар келиб тушмоқда. Демак, миллий маҳсулотларимизнинг экспорт жараёни ҳам бошланиш арафасида.



Айни пайтда 6,5 гектар ҳудудни эгаллаган бош заводда 100 нафардан зиёд ишчилар меҳнат қилаётган бўлиб, уларнинг қарийб 85 фоизи касб-ҳунар коллежлари битирувчиларидир. Аҳамиятли жиҳати, уларнинг аксарияти Хитойнинг энг йирик савдо ва саноат марказларидан бири бўлган Чонцин шаҳрида малака ошириб келган.

— Биз ишлаб чиқаришни босқичма-босқич маҳаллийлаштириш ҳисобига кенгайтириш чораларини кўрмоқдамиз, — дейди “Бухара Реал Мото” МЧЖ раҳбари Саъдижон Ваҳобов. — Бундан ташқари, маҳсулот ассортименти рўйхатидан яқин истиқболда ёпиқ кабинали юк мотоцикллари, бошқа мотоуловлар, томорқа ерларини ўртача чуқурликда ағдарадиган ҳайдагичлар, ногиронлик аравачалари ҳам ўрин олади. Бугунги муваффақиятимиз негизида “Туронбанк” АТБ томонидан ажратилган кредитнинг ўрни жуда катта. Шу кўмак эвазига биз Хитойдан илғор ускуналарни харид қилдик ва замонавий “Lochin” бренди остидаги маҳсулотларни ишлаб чиқара бошладик. Келгусидаги режаларимизни амалга оширишда ҳам мазкур молия муассасаси билан яқиндан ҳамкорлик қиламиз.

Бугунги кунда иқтисодий барқарорликни таъминлаш ва унинг рақобатбардошлигини ошириш энг устувор вазифа, замон билан ҳамнафас бўлишнинг муҳим шартидир. Ташкил этилаётган шу каби корхоналар ички бозорни импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан тўлдириш ва экспорт ҳажмини оширишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Зеро, Президентимиз таъбири билан айтганда, экспорт қилиш энди истак эмас, балки бурчдир.

**Банк ахборот хизмати.**

*Хизматлар лицензияланган.*

QISHLOQQURILISHBANK

# БИЗ УЧУН АҲОЛИ ВА ТАДБИРКОРЛАР МАНФААТИ МУҲИМ

***Тадбиркорликни фаол қўллаб-қувватлаш банкларимиз олдидаги энг муҳим вазифалардан бири саналади. Зеро, улар томонидан мазкур соҳага кўрсатилаётган хизмат ва йўналтирилаётган сармоялар аҳоли бандлиги ҳамда даромадларини оширишда, иқтисодиётимиз тараққиётида муҳим аҳамият касб этади.***

Шу маънода, “Қишлоқ қурилиш банк” акциядорлик тижорат банкининг ушбу йўналишдаги ишлари диққатга сазовор. Бинобарин, бугун банк жамоаси халқ орасига чуқур кириб бориб, одамларни тадбиркорликка жалб қилиш орқали уларга муносиб турмуш шароити яратишга катта эътибор қаратмоқда. Бунга унинг Фарғона минтақавий филиали фаолияти яққол мисол бўла олади.

— Молия муассасалари ҳамда мижозлар ўртасидаги алоқалар мустаҳкамланиб, банклар аҳоли ва ишбилармонларнинг ҳақиқий кўмакчисига айланишида кейинги йилларда мазкур тизимда амалга оширилаётган ислоҳотлар муҳим аҳамият касб этмоқда, — дейди “Қишлоқ қурилиш банк” акциядорлик тижорат банкининг Фарғона минтақавий филиали раҳбари Ҳусанбой Абдураҳмонов. — Президентимизнинг 2018 йил 23 мартдаги “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, мижозлар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, хизмат кўрсатиш маданияти ҳамда аҳолининг банкларга бўлган ишончини ошириш борасида тизимли ишлар олиб бориляпти. Бунинг самараси одамлар ҳаётида, тадбиркорлар фаолиятида ўз аксини топмоқда.

Айни пайтда банкнинг вилоятдаги инфратузилмаси, яъни Фарғона минтақавий филиали, Марғилон, Қўқон ҳамда Кува филиаллари 7,5 мингдан ортиқ мижозларига эга. Бундан ташқари, ҳудудда Қўқон филиалига қарашли битта минибанк, тузилмалар томонидан ташкил этилган 4 та омонат кассаси, 4 та халқаро пул ўтказмалари, шунча валюта айирбошлаш шохобчаси ҳам мижозлар хизматида. Қолаверса, филиаллар томонидан жойларга 17 та банкомат ўрнатилиб, 1 минг 700 дан ортиқ тўлов терминаллари етказиб берилгани, 74 минг 600 дан зиёд пластик карточкалар муомалага чиқарилгани ҳам катта қулайлик яратмоқда. Жорий йилнинг 1 декабрига келиб, филиаллар томонидан юридик ва жисмоний шахсларга тақдим этилган кредитлар ҳажми 778 341 800 минг сўмга етгани ҳам кўп нарсани англатади. Бунда давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган кўплаб ҳужжатлар, дастурлар муҳим аҳамият касб этяпти, албатта. Жумладан, “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури доирасида 2220 кишига тадбиркорлик қилиши учун 41 026 миллион сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди. Буни тармоқлар бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, чорвачиликка 21 813 миллион сўм, паррандачиликка 794 миллион сўм, иссиқхона хўжалиги учун 3 240 миллион сўм, ҳунармандчиликка 1 379 миллион сўм, асаларичилик ва бошқа соҳаларга 13 800 миллион сўм сармоя берилган.

Чиндан ҳам, қаерда иш пухта режалаштирилиб, маблағлар тўғри йўналтирилса, ўша ерда ўсиш бўлади, саъй-ҳаракатлар амалда ўз самарасини беради. “Қишлоқ қурилиш банк”нинг Фарғона минтақавий филиали билан ҳамкорлик қилаётган ишбилармонлар сафи тобора кенгайиб бораётгани фикримиз тасдиғидир.



## Импорт ўрнини босувчи сифатли маҳсулотлар

*Очиғи, яқин-яқингача бозоримизга кўплаб маҳсулотлар, хусусан, оддий пластмасса идиш ёки хўжалик буюмлари ҳам хориждан кириб келар эди. Сўнгги пайтларда юртимизда тадбиркорларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани, уларнинг эркин ишлашлари учун қулай муҳит яратилгани туфайли ички бозоримиз нафақат импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан бойимоқда, балки уларни экспорт қилувчи ишбилармонлар сафи кенгаймоқда.*

“Қишлоқ қурилиш банк” АТБ Фарғона минтақавий филиали мижози ҳисобланган “Vodiy Zamin Plast” масъулияти чекланган жамияти фаолияти хусусида шундай фикр айтиш мумкин. Чунки жамият банкнинг 150 минг АҚШ долларилик маблағи эвазига хориждан пластмасса маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган замонавий ускуналар харид қилди. Натижада корхонада иқтисодиёт тармоқлари учун турли ўлчамдаги пластмасса идишлар, ўйинчоқлар ва бошқа хўжалик ашёлари тайёрлаш ўзлаштирилди.

“Қўқон” иқтисодий зонаси ҳудудида жойлашган “Glorious Business” масъулияти чекланган жамияти ҳақида ҳам худди шундай дейиш мумкин. Бу ерда банкнинг 200 минг АҚШ долларилик кўмаги билан велосипед ва унинг эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқариш лойиҳаси рўёбга чиқарилди. 50 нафар ишчи меҳнат қилаётган корхонада айни пайтда кунига 150 — 200 та болалар ва катталар велосипедлари тайёрланяпти. Эътиборли жиҳати шундаки, жамоа велосипед учун зарур бўлган эҳтиёт қисмларнинг барчасини шу ернинг ўзида ишлаб чиқариш чораларини кўришмоқда. Бу эса маҳсулот нархини ҳамёнбоп қилиш баробарида, ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириш имконини беради, албатта.

Қайд этганимиздек, бугунги кунда вилоятда тадбиркорлик ривожида, ҳудуднинг иқтисодий имкониятлари ошишида “Қишлоқ қурилиш банк” АТБ Фарғона минтақавий филиалининг роли катта. Молия муассасаси томонидан ажратилаётган сармоялар иқтисодиётнинг турли тармоқларига йўналтириляпти. Одамлар ишли ва даромадли бўлиб, ҳаёт тарзи янада яхшиланишига хизмат қилмоқда. Зеро, мақсад ҳам шу: аҳоли ва тадбиркорлар манфаатига мос фаолият юритишдир.

**Д. МУРОДОВ.**

*Хизматлар лицензияланган.*

# «Net House» нимаси билан афзал?

*Кувасой шаҳридаги “Agro Service Asia” масъулияти чекланган жамияти кластер асосида фаолият юритади. Яъни жамият мутасаддилари ўтган йили 12 гектар майдонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришдан тортиб, уларни сақлаш, қадоқлаш ва экспорт қилишгача бўлган лойиҳалар ижросига киришган эди.*

Мана, ҳеч қанча вақт ўтмай, бўш турган майдонда музлаткичли омборхона, иссиқхона ташкил этилди. Қадоқлаш цехи ишга туширилди. Шунингдек, бу ерда махсус ўқув маркази ҳам барпо этилгани ён-атрофдаги аҳоли, деҳқон ва фермер хўжаликлари раҳбарлари тажрибасини оширишга ёрдам бермоқда.

Ушбу лойиҳаларнинг умумий қиймати 4,6 миллион АҚШ доллари бўлиб, шундан 2,6 миллион доллари “Қишлоқ қурилиш банк” томонидан ажратилган.

Умуман олганда, жамиятнинг истиқболли ва инновацион лойиҳалари бир нечта. Шулардан бири, шубҳасиз, Ўзбекистон учун янгилик бўлган “Net House” лойиҳасидир.

“Net House” — содда қилиб айтганда, “тўрли уй” деган маънони беради. Лекин унга чуқурроқ ёндашиб, бу орқали эришиладиган натижаларга эътибор берсангиз, “Net House”нинг қишлоқ хўжалиги ривожи, оилалар даромади яхшиланишидаги аҳамияти қанчалик юқори эканлигини англайсиз. Масалан, ушбу иссиқхона йилнинг иссиқ даври учун мўлжалланган бўлса-да, экинни эрта экиб, эрта ҳосил олиш мумкин. Бу иситиш учун харажат кам, даромад юқори бўлади, деганидир. Махсус тўрлар эса қуёш тафтини маълум миқдорда пасайтириб бериш баробарида, ҳаво ўтказувчан ҳамдир. Ҳашарот ёки паррандалар киришига йўл қўймайди.



Мутахассислар фикрича, “тўрли уй” усулида ҳосилдорлик бирмунча яхшиланар экан. Мисол учун, 5 сотихли шундай иссиқхонада икки марта бодринг етиштириб, 14 тоннагача, йирик помидордан 7-8 тонна ҳосил олиш мумкин экан. Шу билан бирга, унда бақлажон, патиссон, узум, булғор қалампири, аччиқ қалампир каби бошқа экинларни ҳам экса бўлади. Агар бир гектар жойда “Net House” ташкил этилса, унинг очиқ қолган 8 сотих майдонида карам, салат барги кабиларни ҳам парваришлашга шароит бўлади. Яъни унинг ҳар бир қаричидан унумли фойдаланиш имконияти мавжуд.

Жамият участка бошлиғи Улуғбек Юнусовнинг айтишича, жамоа бу билан чекланиб қолаётгани йўқ. Улар бундай мажмуани вилоятнинг бошқа туманлари ҳамда қўшни вилоятларда ҳам ташкил этишга киришган. Қизиқувчи оилаларга иссиқхоналар қуриб бериляпти. Мисол учун, Кувасой шаҳрининг Арсиф маҳалласидаги Абдураҳмоновлар оиласи жамият билан ҳамкорликни йўлга қўйиб кам бўлаётгани йўқ.

— Энг муҳими, оиламизнинг уч нафар аъзоси иш билан банд бўлди, — дейди хонадон соҳиби Олимжон Абдураҳмонов. — Айни пайтда 5 сотихлик иссиқхонамизни экишга тайёрлаяпмиз. Насиб қилса, келгуси йилнинг феврал ойидан бошлаб помидор кўчатларини қадаймиз.

Жамият билан ҳамкорликнинг афзаллиги шундаки, мутахассислар ўзлари қуриб беришади. Кўчат ва зарур озуқалар ҳам улардан. Биздан талаб этиладигани меҳнат, холос. Етиштирилган ҳосилни ҳам жамиятнинг ўзи сотиб олади.

Жамиятнинг ушбу маҳаллани танлагани бежиз эмас. Чунки бу ерда 2 мингдан зиёд хонадонлар мавжуд бўлса, уларнинг 100 дан ортиғи иссиқхонада деҳқончилик билан шуғулланади. Шундан учтасига жамият томонидан намуна сифатида иссиқхона қуриб берилган. Муҳими, маҳалла аҳли унга катта қизиқиш билдирмоқда. Албатта, буларнинг барчаси аҳоли бандлигини таъминлаш билан бирга, тадбиркорлик субъектида ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга ёрдам беради.

Яна бир гап. Жамият мутасаддилари эндиликда маҳсулотлар сифатини текширувчи лаборатория, транспорт хизмати, экспорт қилиш ва бошқалар учун зарур бўладиган ҳужжатларни ҳам шу ернинг ўзида ташкил қилмоқчи. Бу етиштирувчига ҳам, харидорга ҳам қулайлик яратади, албатта.

Гап қишлоқ хўжалиги, хусусан, иссиқхона фаолияти хусусида кетар экан, Данғара туманидаги “Urojay Vostoka” масъулияти чекланган жамияти томонидан рўёбга чиқарилаётган лойиҳага ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Негаки, мазкур жамият ҳам банкнинг 4 миллион АҚШ долларилик кредити эвазига аҳолига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб бериш мақсадида иссиқхона ташкил этган. Лойиҳа асосида йилига 600 тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилади. Корхона эса етиштирилган маҳсулотнинг асосий қисмини экспортга йўналтириб, йилига 1,1 миллиард сўм соф фойда кўради.

— Ушбу маблағга жамият томонидан 4 гектар ерда Туркия технологияси асосида гидропоника усулида иссиқхона ташкил этилиши ҳамда Италия технологияси асосида қутилар ишлаб чиқариш режалаштирилганди, — дейди минтақавий филиал бошқарувчиси ўринбосари Жамшид Йўлдошев. — Бугунги кунда қути ишлаб чиқариш технологиялари ўрнатилмоқда. Иссиқхона маҳсулотларини эса Россияга экспорт қилиш бўйича ҳаракатлар бошлаб юборилган.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га
ЭЪЛОНЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
71-232-10-63,
71-232-11-15.
E-mail: reklamaxs@mail.ru
reklama@xs.uz

«C and H Industry» МЧЖ ХК
Volvo Construction Equipment ва SDLG корхоналарининг
Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий дилерлик фаолиятини юритиб келмоқда ва қуйидаги махсус қурилиш техникаларини таклиф қилади:
ғилдиракли экскаваторлар (ковши ҳажми 0.3 кубдан 1.1 кубгача),
занжирли экскаваторлар (ковши ҳажми 1.0 кубдан 3.0 кубгача).
Шунингдек, SDLG (Хитой Халқ Республикаси) корхонаси VOLVO GROUP таркибига кириб, экскаватор-юклагичлар, фронтал юклагичлар, автогрейдерлар ва катокларни ҳам ишлаб чиқаради.
VOLVO махсус қурилиш техникалари
SDLG махсус қурилиш техникалари (Volvo Group таркибига киради)


Таклиф этилаётган барча техника учун кафолат муддати тақдим қилинади.
Техник хизматлар кўрсатиш маркази ва эҳтиёт қисмлар омбори мавжуд.
Тўлов шартлари: пул ўтказиш, лизинг.
Манзил: Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Ўзгариш» ҚФЙ, Белариқ маҳалласи, 712-уй. (Мўлжал: «Турон» автосалони).
Тел.: 90-123-77-77, 71-252-50-03.
www.motoblok.uz t.me/motoblokuz
Маҳсулотлар сертификатланган.

KAFOLAT 12 OY UZLUKSIZ ISHLASHIGA, 5 YIL BEPUL XIZMAT
EKOLOGIK TOZA
JIHOZLAR
PGS eco
Инновацион, энергия тежамкор, экологик тоза, юқори талабли маҳсулот энди Ўзбекистон ҳудудларида!

Buxoro shahri, A. Nabiev ko‘chasi, 2-uy.
Telefon: 99-707-55-57
Samarqand viloyati, Narpay tumani, Mirbozor bozori.
Telefonlar: 93-347-74-55, 98-303-38-23.
Namangan shahri, Alisher Navoiy ko‘chasi, «Isfarxon» supermarketi
Telefonlar: 91-280-00-01, 98-303-38-23.
Andijon viloyati, Shahrixon shahri, Amir Temur ko‘chasi, 14-uy.
Telefonlar: 98-303-38-23, 94-380-01-01.
MAHSULOT SERTIFIKATLANGAN.
Tel.: 71-279-38-54, 71-279-25-23. www.pgs.uz

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1256. 46 745 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-233-52-55;*
*Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.*

ISSN 2010-6788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 02.55 Топширилди — 03.00 1 2 3 4 5 6